



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.

2021 - yil 15 - oktabr

314-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbирлари тўғрисида” 2021 йил 8 октябрдаги 629-сон қарори ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbирлари тўғрисида” 2021 йил 8 октябрдаги 629-сон қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbирлари тўғрисида” 2021 йил 8 октябрдаги 629-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ–5098-сон қарорига мувофиқ:

2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали (кейинги ўринларда - фестиваль) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдимот

ва кўргазмалар, театрлаштирилган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий, шунингдек, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг ўтказилиши;

2022 йилда Фестиваль 21-25 май кунлари ва унинг доирасида “Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилиши;

Фестивалга уйғун ҳолда Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда “Uzbek Jewellery Fair” заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилиши маълумот учун қабул қилинганлиги;

қуйидагиларни назарда тутувчи Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги:

Фестивални 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба май ойида Бухоро шаҳрида ўтказиш тартиби;

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасини Фестивалнинг асосий ташкилотчилари этиб белгилаш;

Фестивалда хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик ҳамда заргарлик тармоғининг саноат йўналишида фаолият юритаётган “Хунармандлар” ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмалари аъзолари, заргарлик тармоғида фаолият юритувчи ташкилотлар, шунингдек, хорижий давлатларнинг соҳадаги кўзга кўринган вакилларининг иштирок этиши тартиби;

Фестивалга ҳайъат аъзолари ва иштирокчи сифатида ҳар бир мамлакатдан 6 нафаргача ижодий делегацияни таклиф этиш;

Фестиваль доирасида миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналиши бўйича маҳсулотлар кўрик-танловини ўтказиш, иштирокчилар маҳоратини баҳолаш учун етти нафардан иборат таркибда халқаро ҳайъатни тузиш тартиби;

кўрик-танлов иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси ва маҳорат

дарсларини 12 та номинация бўйича халқаро ҳайъат томонидан баҳолаш, кўрик-танлов ғолибларини ташкилий қўмита томонидан диплом, қимматбаҳо эсдалик совғаси ва пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби;

Бухоро шаҳрида 2022 йилда Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мазкур қарор билан тасдиқланган “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилганлиги эътиборга олинсин.

3. Ҳунарманд уюшмаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси (Ж.Валиев), Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси (Қ.Джамалов), Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Н.Абдуллаев) манфаатдор бошқарма ва идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги 629-сон қарор иловаси билан тасдиқланган Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда “йўл харитаси”да белгиланган талаблар асосида иш ташкил этсинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Инамов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov